

Хизматда фойдаланиш учун

ТАСДИҚЛАНГАН
«Туронбанк» акциядорлик
тижорат банки Кенгашининг
2017 йил « ____ » декабрдаги

К-____ - сонли қарори билан

_____ Д.Б.Юнусов

«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКНИНГ

2018 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН

БИЗНЕС-РЕЖАСИ

Мундарижа

I.	Банк паспорти.....	3
II.	Кириш.....	4
	Режанинг умумий кўриниши.....	4
	2018 йилда банкни ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.....	5
	Молиявий натижалар таҳлили.....	8
III.	Банк фаолиятини кенгайтириш.....	9
	Янги филиал ва минибанклар очиш.....	9
	Банк бўлинмаларини таъмирлаш.....	9
IV.	Кредитлаш фаолияти.....	10
	Банк томонидан 2018 йилда кредитлаш соҳасида амалга оширилиши режалаштирилаётган устувор вазифалар.....	11
V.	Валюта амалиётлари.....	12
VI.	Қимматли қоғозлар бозоридаги фаолият.....	13
VII.	Депозит фаолияти ва мижозларга хизмат кўрсатиш.....	13
VIII.	Банкни ахборотлаштириш технологияси соҳасидаги фаолияти.....	14
IX.	Ходимларни бошқариш ва уларнинг малакасини ошириш.....	15
X.	2018 йилда кутилаётган натижалар.....	16
XI.	Иловалар	

**«Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг 2018 йилга мўлжалланган
БИЗНЕС-РЕЖАСИ***

I. Банк паспорти

1. Банкнинг тўлиқ номи: «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки.
2. Банкнинг қисқартирилган фирма номи: «Туронбанк» АТБ.
3. Ташкилий-тузилмавий шакли: Акциядорлик жамияти.
4. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда – «банк») «Турон» консолидация тижорат банки (муассисларнинг 1990 йил 6 октябрдаги таъсис йиғилиши қарорига биноан очилган ва 1990 йил 31 декабрда Ўзбекистон Давлат банкида 713/8-сон билан рўйхатга олинган) қайта тузиш йўли билан ташкил топган ва 1998 йил 20 октябрда қайта рўйхатга олинган.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан банк амалиётларини амалга ошириш учун 2017 йил 21 октябрда 8-сонли лицензия берилган.
6. Ҳукуқий манзили: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-а уй.
7. Телефон рақами: (998 95) 144 60 00. (99871) 202 01 01.
8. Факс: (998 71) 244 88 65.
9. Жами банк акциядорларининг сони – 9 233 та (156 717 339 минг.сўм):
 - Жисмоний шахслар – 6 859 та (5 713 958 минг.сўм);
 - Юридик шахслар – 2 374 та (151 003 381 минг.сўм).
10. Банк томонидан хизмат кўрсатилаётган жами мижозлар сони – 21 291 та, шундан фаолият юритаётган мижозлар сони 11 593 та.
11. Банк филиаллари сони: 18 та.
12. Банк ходимлари сони: 1 137 та.
13. Банк Бошқарув органлари:
 - Банк акциядорларининг умумий йиғилиши
 - Банк Кенгаши
 - Банк Бошқаруви

Банк Кенгаши Раиси: Юнусов Джаконгир Баходирович

Банк Бошқаруви Раиси: Мирзаев Чори Садибақосович

“Бизнес-рёжа” “Туронбанк” АТБнинг «Хизмат доирасида фойдаланиш учун» ҳужжати ҳисобланиб, маълумотларни банк Бошқаруви Раиси рухсатисиз бошқа шахсларга берилиши ман этилади.

II. КИРИШ

Режанинг умумий кўриниши

Хозирги кунда банк ривожланган молия институтларидан бири бўлиб, республиканинг барча худудларида жойлашган 18 та филиал, 32 та минибанк, 28 та халқаро пул ўтказмалари шахобчаси, 22 та валюта айирбошлиш шахобчалари, 15 та коммунал касса, 18 та жамғарма касса ва 14 та маҳсус кассалардан иборат кенг тармоқларига эга (1-илова).

Банкка «Standard & Poor's» халқаро рейтинг компанияси томонидан (В-/В) «Барқарор» рейтинг кўрсаткичи тақдим этилган. Шунингдек, «Ahbor Reyting» миллий банклараро рейтинг компанияси томонидан банкка «UzA» (Барқарор) рейтинг баҳоси тақдим этилди. 2018 йил давомида банк томонидан 2017 йил фаолияти якунлари бўйича олинадиган халқаро рейтинг компанияларининг рейтинг баҳоларини янада ошириш режалаштирилмоқда.

Банк 2018 йилда ўз сиёсатини ўтган йиллардаги ривожланишнинг юқори суръатларини сақлаб қолган ҳолда ресурсларни юқори даромад келтирувчи йўналишларга сафарбар этиш, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий маблағлар билан таъминлашда банкнинг иштирокини кенгайтириш, шунингдек банк хизматлари соҳасида рақобат муҳитини янада ривожлантириш, мижозлар сонини қўпайтириш ва уларга кўрсатилаётган хизматларни юқори даражага кўтаришга қаратилган ҳолда олиб боради.

Банк мижозларининг асосий қисмини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекгидроэнерго" АЖ, Адлия вазирлиги ҳамда уларнинг ташкилотлари, давлат корхоналари, қўшма корхоналар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар, савдо ва тижорат корхоналари ташкил қиласи. Банк томонидан хизмат кўрсатилаётган мижозларнинг маълум қисми доимий равишда миллий ва чет эл валютасида кредит маблағларига эҳтиёжи мавжуд. Банк мижозларни самарали фаолият юритишига кўмаклашиш, уларнинг доимий равишдаги кредитга бўлган талаблари ва қайтариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Бунинг учун банк ўз мижозларини кредитлаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни камайтириб, кредит портфели сифатини янада яхшилашга эришган ҳолда иқтисодиётнинг турли соҳаларида мижозларга кредит хизматларини кўрсатади. Кредитлаш фаолиятининг юқори даромадлилиги мазкур хизмат турини ривожлантириш ва такомиллаштириш

асосида, 2018 йил давомида ҳам банкнинг асосий даромад манбаларидан бири бўлиб қолади.

Банк 2018 йилда валюта операциялари фаолиятини амалга ошириш учун халқаро иқтисодий муносабатларга эга мижозларни жалб этишга, уларнинг эркин алмаштириладиган валюталардаги амалиётларини ўз вақтида бажарилишини таъминлашга, хорижий молия институтлари билан ўзаро корреспондентлик алоқаларни ривожлантиришга, нақд хорижий валюталардаги жорий операциялар ҳажмини ошириб, ички валюта бозорини ривожлантиришга хизмат қиласди.

2018 йилда банк томонидан Осиё тараққиёт банки кредит маблағлари ҳисобидан 15,0 млн. АҚШ доллар, Жаҳон банки кредит маблағлари ҳисобидан 10,0 млн. АҚШ доллар, Хусусий секторни ривожлантириш Ислом Корпорацияси кредит маблағлари ҳисобидан 5,0 млн. АҚШ доллар маблағлари ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Банк фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштириш, банкнинг ички имкониятларини тўла ишга солиш, банкнинг регулятив ва устав капиталини ошириш, аҳоли ва корхоналарнинг вақтинчалик бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш ҳисобига амалга оширилади.

2018 йилда жорий йил давомида паст рентабеллик билан фаолият юритган Самарқанд, Термиз, Урганч, Нукус, Шахрисабз филиаллари ҳамда Марказий амалиёт бошқармаси фаолиятини соғломлаштириш ва юқори рентабеллик кўрсаткичларига эришиш имкониятлари кўрилади.

2018 йилда банкни ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралидаги ПФ-4947 сонли фармони билан “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни тасдиқланди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси хукумати ва Марказий банки томонидан республика банклари зиммасига юқлатилган вазифаларни сўзсиз бажариш банк фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Банк даромадларини, юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизмат даражасини ошириш учун қуйидагилар банкнинг стратегик вазифалари бўлиши лозим:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнларига ҳамда давлат дастурлариға мувофиқ берилган топшириқлар ижросини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;
- Республикаизда гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш мақсадида “Ўзбекгидроэнерго” АЖ таркибидаги ГЭСларни модернизация қилиш, янги кичик ГЭСларни куриш учун Хитой экспорт-импорт банкининг кредит маблағларини жалб қилиш;
- Банк томонидан Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки ҳамда Ҳусусий секторни ривожлантириш Ислом Корпорацияси кредит маблағларини жалб қилиш ҳажмини янада ошириш ва иқтисодиётнинг реал секторига сафарбар қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги 3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори талаблари ижросини таъминлаш мақсадида “Туронбанк” АТБнинг устав капиталини 245,0 млрд. сўмга етказиш;
- Барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда банк жами капиталини камида 20 фоизга ошишини таъминлаш;
- Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлар талаблариға мувофиқ, банкнинг жами капиталини янада ошириш, ресурс базасини қўпайтириш, активлар сифатини яхшилаш, банк фаолиятини такомиллаштириш ҳисобига банкнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш;
- омонатчилар учун кафолатларни кучайтириш ва банк тизимиға аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш, янги жозибадор омонатлар ва депозитларни тадбиқ этиш, омонатчиларни биометрик идентификациялаш тизимини такомиллаштириш, кўрсатилаётган банк хизматларининг тури ва қўламини кенгайтириш йўли билан аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш;
- банк асосий кўрсаткичларининг ижобий бўлишини таъминлаш ва халқаро рейтинг компаниялари ҳамда «Ahbor Reyting» миллий рейтинг компаниясининг ижобий рейтинг баҳоларини олишга доир барча чораларни кўриш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 12 сентябрдаги 3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари

ижросини таъминлаш жумладан, банк ресурс базаси барқарорлигини ошириш, банкнинг ҳар бир филиалида жами депозитлар қолдиғини хисобот йили давомида камида 20 фоизга ошириш;

- банк ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш ва инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида, юридик ҳамда жисмоний шахслар учун мүлжалланган депозит сертификатларини ҳамда банкнинг узоқ муддатли корпоратив облигацияларини чиқариш ва қисқа муддатларда инвесторлар орасида жойлаштириш;
- банкнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банк иштирокини янада кенгайтириш, лойиҳаларни экспертиза қилиш ва хатарни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, кредитлар бўйича муаммоли қарздорликларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик борасида чораларини кўриш орқали банкнинг кредит портфелининг муттасил ўсиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлаш;
- иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиялаштириш, банкнинг қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокини кенгайтириш, жумладан юқори даромадли ишлаб чиқариш корхоналари, лизинг, суғурта ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бўлган жамиятларда банк ролини янада ошириш;
- банқда ҳисоб-китоб ва ҳисботларнинг янгича ёндашувларини шакллантириш, замонавий технологиялар ва услубларни жорий қилиш, ахборотларни қайта ишлаш тизими сифатини ошириш, етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари талабларига мувофиқ ундан кенг кўламда фойдаланишини таъминлаш;
- банкни банк-молия тизими ривожланган давлатларда қабул қилинган стандартлар, услубиятлар ва баҳолаш қўрсаткичлари тизимида ишлай оладиган, профессионал тайёрланган юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш, ходимлар заҳирасини ташкил этиш, ўқитиш, малакасини ошириш, банк тизимида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш;
- молия бозорида банк хизматларини ривожлантириш йўлларини излаш, янги банк хизматларини амалиётга тадбик қилиш ва уларнинг рекламасини ташкиллаштириш, жамоатчилик билан актив фаолият (PR) эвазига банкнинг имиджини тарғиб этиш ва шу имидж асосида фаолият олиб бориш.

Молиявий натижалар таҳлили

Банкка бўлган ишончни ошириш мақсадида 2018 йил давомида банкнинг Устав капиталини камидаги 44,0 млрд.сўмга ошириш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, банкнинг 10,0 млрд. сўмлик депозит сертификатларини чиқариш ва тўлиқ жойлаштириш режалаштирилган.

2018 йилда банк фаолиятини ташкил этишда асосий эътибор банкнинг актив операцияларини кенгайтириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш, активлар сифатини яхшилаш, банкнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлаш, жалб қилинган маблағларни биринчи навбатда иқтисодиётнинг реал соҳасини кредитлашга йўналтириш, инвестициявий фаоллигини ошириш ҳисобига банк активларини камидаги 20 фоизга ўсишини таъминлаш мўлжалланмоқда. Банк активлари таркибида асосан даромад келтирувчи активларининг ўсиши ҳисобига банк даромадлилигини ошириш кўзда тутилган.

Банк таркибий тузилмаларини кенгайтириш, уларнинг даромадлилигини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, айниқса 18 та филиал, 32 та минибанк, 28 та халқаро пул ўтказмалари шаҳобчалари, 18 та жамғарма ва омонат кассалар фаолиятини янада яхшилаш эвазига ҳисобот йилида бир қатор ижобий натижаларга эришиш режалаштирилган.

Банк даромад келтирувчи активларининг кескин оширилиши мўлжалланаётган 2018 йилда банк даромади ҳисобидан қўйидаги ишлар амалга оширилиши мўлжалланмоқда, жумладан:

- 2018 йилда банк таркибий тузилмаларини кенгайтирилиши (Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани ва Андижон вилоят, Андижон шаҳрида филиалларнинг очилиши, аҳоли гавжум ва бизнес юритиш қулай худудларда минибанк ҳамда бошқа тузилмаларни ташкил этиш) мўлжалланаётганлиги;
- кредит портфелида потенциал муаммога айланиши мумкин бўлган кредитлар учун заҳира яратиш, банк активлари сифатини ошириш юзасидан ишлар олиб борилиши режалаштирилаётганлиги сабабли банк даромадининг асосий қисми юқорида қайд этилган мақсадлар учун сарфланади.

Банк томонидан олинадиган даромаднинг катта қисми халқаро молиявий институтлар томонидан узоқ муддатга молиялаштириладиган республика миқёсидағи стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳалардан олиниши кутилаётган бўлиб, ушбу

лойиҳаларнинг дастлабки даврларда (яъни, имтиёзли давр бўлган 2018-2019 йил давомида) банк маржаси юқори даражада бўлмаслиги банк соф фойдасининг ўтган йилга нисбатан кескин ошмаслигини билдиради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2018 йилда мижозларга банк хизматларини кўрсатишдан жами 200,0 млрд.сўм даромад олиниши, фаолият юритиш ва уни такомиллаштириш учун 183,0 млрд.сўм харажат қилиниши, йил давомида олинадиган соф фойда эса 17,0 млрд.сўмни ташкил этиши режалаштирилмоқда.

III. Банк фаолиятини кенгайтириш

Янги филиал ва минибанклар очиш

Банк томонидан хўжалик субъектлари ва аҳолига кўрсатилаётган банк хизматлари доирасини кенгайтириш, замонавий банк хизматларини кўрсатиш, аҳолига банк хизматларини яқинлаштиришда қулайликлар яратиш мақсадида, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида, Андижон вилоятининг Андижон шаҳрида филиаллар очиш ҳамда аҳоли гавжум ва иқтисодий ривожланган туманларда дастлаб минибанклар ташкил этиши режалаштирилган.

Банк бўлинмаларини таъмирлаш

Банк фаолиятини кенгайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, банк филиаллари биноларини замонавий қўринишга келтириш мақсадида 2018 йил давомида филиалларда капитал таъмирлаш ишлари учун 6,6 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда. Ушбу маблағлар қўйидаги мақсадларга сарфланади, Жумладан:

Бош банкни таъмирлаш ишлари учун 1,0 млрд. сўм, Қарши филиалини таъмирлаш ишлари учун 200,0 млн. сўм, Навоий филиалини таъмирлаш ишлари учун 150,0 млн. сўм, Наманган филиалини таъмирлаш ишлари учун 50,0 млн. сўм, Самарқанд филиалини таъмирлаш ишлари учун 500,0 млн. сўм, Термиз филиалини таъмирлаш ишлари учун 966,0 млн. сўм, Гулистон филиалини таъмирлаш ишлари учун 200,0 млн. сўм, Фарғона филиалини таъмирлаш ишлари учун 600,0 млн. сўм, Урганч филиалини таъмирлаш ишлари учун 350,0 млн. сўм, Нукус филиалини таъмирлаш ишлари учун 400,0 сўм. сўм, Жиззах филиалини таъмирлаш ишлари учун 1,0 млрд. сўм, Миробод филиалини таъмирлаш ишлари учун 200,0 млн. сўм, Шаҳрисабз филиалини таъмирлаш ишлари учун 50,0 млн. сўм, Зангиота филиалини таъмирлаш ишлари учун 500,0 млн. сўм, Яшнобод филиалини таъмирлаш ишлари учун

300,0 млн. сўм, Чилонзор филиалини таъмирлаш ишлари учун 50,0 млн. сўм ва Юнусобод филиалини таъмирлаш ишлари учун 50,0 млн. сўм ажратилиши кўзда тутилган.

IV. Кредитлаш фаолияти

2018 йил учун банк кредит ажратиш, лизинг ва факторинг хизматлари кўрсатиш ҳамда банк кафолатлари бериш (кейинги ўринларда “кредитлаш”) фаолиятининг асосий мақсади кенг миёсдаги фаол операцияларни амалга ошириш, кредитлаш ишларини ташкил этиш, кредитлаш жараёнида вужудга келадиган таваккалчиликларни олдиндан кўра билиш ва уни самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳадаги банк фаолиятида максимал даражада иқтисодий ва молиявий самарага эришишдан иборат.

Кредитлаш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Махкамасининг Қарорлари ва мажлис баёнлари асосида амалга ошириладиган истиқболли инвестиция лойиҳаларини, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиялаштиришга, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга оид дастурларга киритилган лойиҳаларни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга устувор аҳамият берилади.

2018 йил давомида кредит қарздорлиги бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан 270,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар қайтарилиб, қўшимча 948,2 млрд. сўм миқдорида кредит ажратиш режалаштирилган ҳамда факторинг ва лизинг хизматлари кўрсатилиб, банк кредит портфели 1 234,5 млрд. сўмга етказилади (2 ва 3 илове).

«Туронбанк» АТБ томонидан 2018 йил давомида 500,0 млрд. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

Бунинг учун чет эл банклари ва халқаро молия институтларининг кредит линияларини жалб этган ҳолда кредитлар ажратишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиласди.

2018 йилда банк томонидан Осиё тараққиёт банкидан 15,0 млн. АҚШ доллари, Жаҳон банкидан 10,0 млн. АҚШ доллари ва Хусусий секторни ривожлантириш Ислом Корпорациясидан 5,0 млн. АҚШ доллари, жами 30,0 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиялари жалб этилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, Республикаизда гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш мақсадида “Ўзбекгидроэнерго” АЖ таркибидаги ГЭСларни модернизация қилиш, янги кичик ГЭСларни қуриш учун Хитой экспорт-импорт банкининг 144,3 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағларини жалб қилиш юзасидан келишув имзоланди. 2018 йил мобайнида Хитой экспорт-импорт банки маблағлари ҳисобидан республикаиздаги мавжуд 4 та ГЭСни модернизация қилиш ва 5 та кичик ГЭСларни қуриш учун 54,9 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнига мувофиқ юклатилган топширикларга асосан 2018 йил давомида жами 4 та лойиҳани молиялаштириш учун 12,8 млрд. сўм миқдорида банк кредити ажратилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси фармонлари, қарорларида берилган топшириклари ижроси доирасида лойиҳаларни амалга оширилишини доимий назорат қилиш, Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури, Хукумат ва ҳудудий дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни ҳамда Иқтисодиёт вазирлигининг ягона мониторинг онлайн тизимида ҳисоби юритиладиган лойиҳаларга кредитлар ажратиш ва шу орқали янги иш ўринлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор берилади.

Хусусан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2018 йилда жами 97 та лойиҳани молиялаштириш учун 104,7 млрд. сўм миқдорида банк кредити ажратилиши режалаштирилган (*4-илюва*)

Банкнинг Кредит сиёсатига мувофиқ, банк ўз фаолиятини мижозларнинг қисқа муддатли лойиҳаларини молиялаштириш билан бир вақтда, узоқ муддатли кредитлаш салмоғини ошириш натижасида 2018 йил давомида кредитлаш фаолиятидан жами 142,2 млрд. сўм миқдорида даромад олиш режалаштирилган бўлиб, шундан узоқ муддатли кредитлардан 106,7 млрд. сўм даромад олиниши кўзда тутилмоқда.

Банк томонидан 2018 йилда кредитлаш соҳасида амалга оширилиши режалаштирилаётган устувор вазифалар

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари асосида тасдиқланган дастурлар, хусусан инвестиция ва маҳаллийлаштириш дастурлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни молиялаштириш;

- Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишга доир инвестицион лойиҳаларга кредитлар ажратиш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини кредитлаш, айниқса оилавий бизнесни ҳамда Ҳукумат топшириқларига асосан киритилган ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларининг фаолиятини ривожлантириш мақсадларига кредитлар ажратиш ҳажмларини босқичма-босқич ошириб бориш;
- Кам таъминланган оилаларни бандлик билан таъминлаш учун микрокредитлар ажратиш;
- Ёшларнинг, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришга микрокредитлар ажратишни кенгайтириш;
- Аҳолининг истеъмол товарлар (ишлар, хизматлар)га эҳтиёжларини қондириш мақсадида истеъмол кредитлари ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва истеъмол кредитлари ҳажмини ошириш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун ҳалқаро молия институтлари ва чет эл банкларининг имтиёзли кредит линияларини ва грант маблағларини жалб этиш ҳамда ўзлаштириш ҳажмларини кенгайтириш.

V. Валюта амалиётлари

2018 йилда валюта амалиётлари билан шуғулланувчи корпоратив мижозлар сонини 20 фоизга ошириш, ташқи савдо амалиётлари бўйича мижозларнинг буюртмаларига асосан йил давомида мижозларнинг талабидан келиб чиқиб хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида конвертация қилиш ишлари ташкил этилади.

Ҳалқаро пул ўтказмалари ҳамда нақд хорижий валюталарини филиаллар ўртасида тақсимлаш бўйича бухгалтерия ўтказмаларини ИАБС дастурида тўлиқ автоматлаштириш кўзда тутилган.

VISA терминаллари орқали хизмат кўрсатиш тармоғини кенгайтириш мақсадида авиакасса, ресторан, тиббий хизмат кўрсатиш шохобчалари ва бошқа савдо ташкилотларига ўрнатиш учун қўшимча 50 та терминал сотиб олиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, келгуси йилда “Master Card” халқаро карточкалари тизими аъзосига айланиш орқали транзакциялар ҳажмини ошириш режалаштирилган. Мазкур лойиҳани жорий қилиш учун 600-800 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиши кутилмоқда.

SWIFT тизимга қўйилаётган янги талаблардан келиб, янги сервер ва Thomson Reuters тизими учун янги процессор харид қилиш режалаштирилган.

Банк мижозларининг халқаро тўловларини ўз вақтида ва сифатли етказиш ҳамда банкнинг хорижий вакиллик ҳисобварақлари тизимини кенгайтириш мақсадида Германиянинг «Raiffeisen bank» ва «Commerzbank AG» банклари билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш режалаштирилмоқда.

VI. Қимматли қоғозлар бозоридаги фаолият

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Ўзбекистон Республикаси молия бозорининг энг фаол иштирокчиларидан бири бўлиб, ўзини молия бозорида ишончли ҳамкор сифатида намоён қилиб келмоқда. Консерватив ёндашув билан олиб борилган таваккалчиликни бошқариш сиёсати оқибатида ўтган давр мобайнида банк қимматли қоғозлар бозорида турли операцияларни амалга ошириб, ижобий натижаларга эришиб келмоқда.

2018 йил давомида банк томонидан қўшимча эмиссия акцияларини чиқариш ва жойлаштириш орқали устав капиталини камида 44,0 млрд. сўмга ошириш кўзда тутилган. Бу орқали банк устав капиталини 245,0 млрд. сўмга етказиш режалаштирилмоқда.

Банк ресурс базасини мустаҳкамлаш, унинг таркибида узоқ муддатли ресурслар салмоғини ошириш мақсадида эмиссиявий ва ноэмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш мўлжалланмоқда. Жумладан, 2018 йил давомида 10 млрд. сўмлик депозит сертификатлари чиқариш ва уларни қисқа муддатларда потенциал сармоядорлар орасида жойлаштириш мўлжалланмоқда.

II. Депозит фаолияти ва мижозларга хизмат кўрсатиш

2018 йил давомида молия бозори конъюктурасини, бошқа рақобатдош банклар хизмат турларини ўрганиш орқали амалдаги банк хизматларини такомиллаштириш ва янги банк хизмат турларини (омонатлар) жорий қилиш натижасида юридик ва жисмоний

шахслардан жалб этиладиган банк ресурслари миқдорини кўпайтириш режалаштирилган.

Шунингдек, депозитлар бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб, 2018 йил мобайнида банк ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари фонdlар, йирик ташкилотлар ва бошқа юридик шахслардан узоқ муддатли депозитлар жалб қилиниши кўзда тутилмоқда.

VIII. Банкни ахборот технологиялари соҳасидаги фаолияти

Республика молия тизимининг фаол иштирокчиси бўлган «Туронбанк» АТБ раҳбарияти мижозларга кўрсатилаётган хизмат турларини бозор иктисодиёти реалликларидан, макроиқтисодий вазиятдан келиб чиқсан ҳолда янада ривожлантириб, такомиллаштириб боришга, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланишга, ахборотлаштириш тизимида тезкор ва ишончли технологиилар, жумладан, интернет ва мобиль технологииларни жорий этишга, интеграллашган ахборот-таҳлил тизимини янада ишончли ва тўғри ишлашига, банк мижозлари учун қўшимча қулайликлар яратилишига, уларнинг ишончини қозонишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу билан бир қаторда «Туронбанк» АТБ тизимида бошқарувни такомиллаштириш, банк харажатларини камайтириш, банкнинг барча йўналишлардаги иш фаолиятининг самарадорлигини ошириш каби масалалар барча узоқ ва қисқа муддатли режаларда ички сиёsatнинг асосий мезони бўлиб келмоқда.

Бош банк ва филиалларда мавжуд техник жиҳозлар ҳамда 2018 йилда амалга оширилиши мумкин бўлган харажатлар прогнози бўйича олинган маълумотлар асосида ўтказилган таҳлиллар, шунингдек жорий йилда амалга оширилган харажатларни ҳисобга олган ҳолда, «Туронбанк» АТБ тизимида ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш мақсадлари учун жами 20,0 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Ушбу маблағлар ахборотлаштириш соҳаси бўйича қуйидаги мақсадларда сарфланади, жумладан:

- Асосий серверлар ва компьютер қурилмаларни янгилашга 7 млрд. сўм;
- «Oracle» ва бошқа дастурий воситаларни лицензиялаш учун 3,5 млрд. сўм;
- Маълумотларни қайта ишлаш асосий маркази таъминоти ҳамда захира марказини яратиш учун 6 млрд. сўм;

- Филиаллар ва Баш банк ўртасида алоқа каналларини Оптик толали кабелларга ўтказиш ҳамда филиалларнинг локал тармоқларини модернизациялаш мақсадлари учун 1 млрд. сўм;

- бошқа жорий харажатларга 2,5 млрд. сўм.

IX. Ходимларни бошқариш ва уларнинг малакасини ошириш.

Хозирги кунда банк тизимида жами 1150 нафар ходим, шундан 927 нафар ходим банкнинг филиалларида ишлаб келмоқда. Банк ходимларининг сифат таркибига асосан 91 нафари (7,9 фоиз) магистр, 623 нафари (54,2 фоиз) бакалавр, 362 нафари (31,5 фоиз) ўрта-максус, 74 нафари (6,4 фоиз) ўрта маълумотли ходимларни ташкил этади.

Банк ходимларининг малакасини ошириш, уларнинг сифат таркибини яхшилаш ва малакали мутахассисларни етиштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ходимларини 2018 йилда ўқитиш бўйича режа-жадвалига асосан, 2018 йил давомида Туронбанкнинг 150 нафар ходими Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси, Банк – молия академияси, Минтақавий банк ўқув марказлари ва МЦФР-У ўқув марказларига малака ошириш учун юборилиши кўзда тутилмоқда.

2018 йил давомида Ходимлар билан ишлаш департаменти банкнинг филиалларига хизмат сафарларига чиқиб, филиал ва МАБ Ходимлар билан ишлаш бўйича масъул ходимларини меҳнат қонунчилигига оид меъёрий хужжатлар билан таъминлаб бориши, иш фаолиятида амалий ёрдам кўрсатиши ҳамда филиаллар иш фаолиятини доимий ўрганиб боради.

«Туронбанк» АТБ тизимидағи ходимларнинг маънавий-маърифий савиясини, малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш ишларини тизимли ташкил этиш мақсадида 2018 йил хар ойда бир маротаба ўқув-семинарлари ўтказилиши режалаштирилган.

Мазкур ўқув-семинарлари Режа-Жадвалига асосан Департамент директорлари, мустақил бошқарма ва бўлим бошлиқлари ўқув дастурини тегишлилиги бўйича семинар мавзуларини ходимлар учун манфаатли, мазмунли ишлаб чиқиб, семинарга таклиф этиладиган меҳмонларни қатнашишини таъминлаш, семинар якунида тест синовларига асосан семинар тингловчиларининг ўзлаштириш даражасини аниqlаш ҳамда семинарни юқори савияда ташкиллаштиришга масъулият билан ёндашиш вазифалари юклатилган.

2018 йилда банкнинг 5 нафар ходими малакасини ошириш учун хорижий давлатларга юборишга 250 млн. сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган.

X. 2018 йилда кутилаётган натижалар

2018 йил мобайнида банк барқарорлигини таъминлаш, активларини ошириш мақсадида жами йил якунига қадар банк жами капитални камида 339,0 млрд. сўмга, устав капитални камида 245,0 млрд. сўмга, жами активларини камида 2 500,0 млрд. сўмга етказиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, банк хизмат турларини кенгайтириш, мижозлар сонини кўпайтириш ҳисобига банк жами депозитларини камида 46 фоизга ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинган.

Банк томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматлар турини кенгайтириш, мижозлар базасини диверсификация қилиш ҳамда хизматлар сифатини такомиллаштириш ҳисобига 2018 йилда асосий эътибор йирик корпоратив мижозлар билан бир қаторда ўрта ва кичик бизнес субъектларини жалб қилишга қаратилади.

2018 йилда мижозларга банк хизмати кўрсатилишидан жами 200,0 млрд.сўм даромад олиниши, фаолият юритиш ва хизматларни такомиллаштириш учун 183,0 млрд.сўм ҳаражат қилиниши режалаштирилмоқда. Ушбу амалиётлардан йил давомида 17,0 млрд.сўм фойда олиниши кутилмоқда.

**«Туронбанк» АТБ
Бошқарувчи Раиси**

Ч.С.Мирзаев